



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal
2023-yil noyabr soni №11 (49)

Toshkent-2023

O'ZBEKISTON MILLIY AXBOROT AGENTLIGI – O'ZA ILM-FAN BO'LIMI (ELEKTRON JURNAL)

Ilmiy nashr 2023-yil noyabr oyi soni №11 (49)

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagi 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan.

Elektron jurnalga kelgan maqolalarga javob qaytarilmaydi, jurnalda e'lon qilingan maqolalardan olingan parchalar O'ZA Ilm-fan bo'limi (elektron jurnal)dan olindi, deb ko'rsatilishi shart.

Elektron jurnalga bir yarim oraliqdagi materiallar "Microcoft Word" redaktori, "Times New Roman" shriftida elektron versiya shaklida qabul qilinadi.

Tahrir kengashi

A.Ko'chimov
A.Asqarov
D.Yu.Yusupova
A.X.Saidov
T.O'.Aripova
Q.R.Allaev
S.M.Turobjonov
Sh.T.Qudratxo'ja
N.A.Husanov
N.K.Achilov

Q.Sh.Omonov
A.S.Sagdullaev
S.S.G'ulomov
F.G.Nazirov
R.D.Kurbanov
M.H.Rustamboev
N.M.Mahmudov
I.S.Saifnazarov
N.X.Oblomurodov
G.A.Mardonova

БАГРИКЕНГЛИК ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ЕТТИ ПИР ТАЪЛИМОТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Бехзод Бахтиёрович ДЕҲҚОНОВ

катта ўқитувчи

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Бухоро Давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада бағрикенглик тушунчаси ва генезиси таҳлил этилиб, мамлакатимизда инсон қадри, унинг бирдам, ҳамжиҳатлик билан яшши, миллатлараро тотувлик масалалари тавсифланган.

Таянч сўзлар: толерантлик, бағрикенглик, чидамлилик, ареактивлик, чидамок, тинчлик – улуф неъмат.

ПОНЯТИЕ ТОЛЕРАНТНОСТЬ, ЕГО ГЕНЕЗИС И ОСОБЕННОСТИ КОНЦЕПЦИИ СЕМИ ПИРОВ

Бехзод Бахтиёрович ДЕҲҚОНОВ

старший преподаватель

доктор философии (PhD) по философским наукам

Бухарский Государственный Университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье анализируется понятие толерантность, его генезис. Рассматриваются вопросы о достоинстве человека, умении жить в дружбе, межнационального согласия.

Ключевые слова: толерантность, великодушие, терпимость, ареактивность, терпение, мир – величайшее благо.

Бағрикенглик тушунчаси ўзгаларнинг хулқ-атвори, яшши, турмуш тарзи, фикр-мулоҳазалари, гапириши, ҳис-туйғулари, эътиқоди, ҳаракатларига нисбатан сабр-тоқатли, чидамли бўлишни англатади. Ўзбек тилида нашр этилган луғатларда бағрикенглик “толерантлик” (толерантлик – лот. “tolerantio” матонат-чидам, сабр-тоқат) тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

Бағрикенглик тушунчасининг трансформациясига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда турли сўзлар ва тушунчалар билан бағрикенгликнинг моҳияти акс этишини англаб олиш мумкин. Этимологик жиҳатдан ҳам “бағрикенглик” тушунчаси

лотин тилидаги “tolerare” (чидамоқ, бардош бермоқ, тоқат қилмоқ) феълидан келиб чиқкан. От сўз туркумига мансуб “тоқатлилик” ўзбек тилига таржима қилинганда, “олиб юрмоқ”, “ушлаб турмоқ”, “тоқат қилмоқ”, “олиб чиқмоқ” каби маъноларни англатадиган “tolerare” феъли билан боғлиқ. Ушбу сўзниңг этиологиясини инобатга олган ҳолда янада аникроқ ифодалаганда “tolerare”— айнан “олиб юрмоқ”, “олиб ўтмоқ”, “ўтказмоқ” каби маъноларга ҳам эга, зеро бу сўз “tolerare”-“кўтармоқ” сўзи билан ўзакдошdir. Шунингдек, “tolerantia” атамаси замирида “чидамлилик”, яъни, ҳолатни ушлаб туришга қодирлик, тайёрлик мазмуни катта ўрин эгаллади .

“Бағрикенглик” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида”, “масалага кенг кўламда, очиқ кўнгиллик билан ёндашишлик”, тарзида изоҳланган . Айни пайтда, мазкур луғатдан “тоқатлилик” эмас, “тоқатли” сўзи ўрин олган бўлиб, “сабр-тоқатга эга; чидамли, тўзимли” деган маънода шарҳланган. “Тоқатсизлик” эса “бетоқат ҳолат” ифодаси сифатида изоҳ топганини кўриш мумкин .

Россия давлатида нашр этилган ижтимоий-социологик луғатда толерантлик тушунчасига қуйидагича изоҳ берилади:

- а) ўзга миллат одамларининг яшаш тарзи, хулқи, анъаналари ва қадриятлари, ғояси, фикри ва эътиқодига чидамлилик ва ҳурмат билан қараш;
- б) кутилмагандаги чиқиши мумкин бўлган омиллар ва ҳодисаларга чидам ҳамда бағрикенглик билан қараш ва ёндашиш;
- в) салбий ва номақбул ҳиссиётлар таъсирига ҳам бағрикенглик билан ёндашиш.

Марк Наттурно толерантликни ўзга миллат вакилларининг маданиятлари ва қадриятларига чидаш ва сабр қилишни бағрикенгликдир деб, ўз фикрини шундай давом эттирган: “Менинг фикримча, биз эркин ва онгли мавжудот бўлганлигимиз сабабли айбни атрофдагиларга ағдаришдек бидъатлардан холи бўлишимиз керак. Алалхусус, бу толерантликка алоқадор бўлиб, ушбу толерантликни узоқ муддат эркинликка тўсиқ бўлиб келган диний, этник ва ирқий хурофотларни енгиб ўтиш йўлидаги уринишларимиз сифатида тавсифлаш мумкин”.

Марк Наттурно ғояларидан шундай хуносага келиш мумкин: толерантлик – бу инсон ҳоҳламайдиган, ҳатто энг ёмон деб қаралувчи ҳолатларга сабр ва тоқат билан қарашдир.

Исломда ҳам толерантликка қатъий амал қилинган. XIV аср илгари Пайғамбаримиз (с.а.в.) умматларини бағрикенг бўлиб яшашга чақирганлар. Саҳобаларга барча жабҳада бағрикенг бўлиш кераклигини уқтириб, “Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин”,-деганлар .

Ушбу масалада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг моҳиятини ҳам толерантлик (бағрикенглик) тамойили асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Миллий маънавий анъаналаримизнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, глобаллашув даврида давлатимиз ички ва ташки ҳаётида ўзаро ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик жамиятимизда энг муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиб ўтди.

“Бағрикенглик” сўзининг маъноси, лотинча “чидамлилик” демакдир. Одатга кўра, бағрикенглик – бегона қарашларни тажовузсиз, қаршиликсиз қабул қилиш демакдир. Ўзбек тилида бағрикенглик тушунчаси, қалбнинг кенглиги сифатида белгиланади, турли миллатларнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва диний эътиқодлари ҳамкорлиги акс этади. Шунингдек, кўп динлилик муҳити турли динларнинг таълимотларида сұхбат ва

ўзаро тушуниш воситаси саналади. Биз буни турли ҳил қараашларимизда фарқлашимиз мумкин. Бироқ бизни келажакда бирлаштирадиган соҳалар мавжуд. Бу халқ орасида аҳлоқий анъаналарни сақлаш, тинч ва осойишта жамият қуриш, ўзаро хурмат тамойилларини тарғиб қилиш демакдир.

Толерантлик (лот. *Tolerantia* – сабр-тоқат), бағрикенглик – ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта муҳим аҳамият касб этади, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бошқа жамиятда толерантлик тамойилининг аҳамиятини кучайтиради. Бағрикенглик тамойили муайян белгиланган қоидаларни тасдиқлайди.

Толерантлик (иммунологик толерантлик – барча антигенларга иммунореактивлик хусусиятини сақлаган ҳолда организмнинг муайян антигенга нисбатан иммунологик жавобининг йўқолиши ёки сусайиши. “Толерантлик” термини инглиз олими П. Медавар (1953) томонидан кўчириб ўтқазилган бегона тўқимага нисбатан организм иммун системасини “чиdamлилигини” кўрсатиш мақсадида таклиф этилган. “Иммунологик фалажлик”, “ареактивлик”, “антиген оғирлиги” каби терминлар толерантликнинг ҳар хил шаклларига мос келади. Ҳомиланинг аллоантигенларга нисбатан толерантлигининг физиологик ҳолати ҳомиладорлик пайтида вужудга келади, деган тахминлар мавжуд. Қон ҳосил қилувчи (плазматик) ҳужайраларнинг она қорнида бўладиган алмашинувлари натижасида ҳар хил тухумли эгизакларда ҳам қоннинг гурухланган антигенлариغا нисбатан ўзаро физиологик толерантлик пайдо бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда яна бир сўз урф бўлиб бормоқда. Янги Ўзбекистон ғояларини ўзига жамул-жам қилган бу сўз – бағрикенгликдир.

Бунёдкор бағрикенглик ислом динида айтилганидек: Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) тинчлик ва хотиржамлик ҳақида бундай деганлар: “Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебаҳрадирлар” (Имом Бухорий ривояти). Афсуски, Аллоҳтаолонинг улуғ неъмати бўлмиш тинчликдан ҳамма ҳам бирдек баҳраманд бўлаётгани йўқ. Дунёning турли бурчакларида террорчилар ноҳақ қонлар тўқаяпти. Бундай мудҳиш воқеаларнинг қабиҳ ниятли бузғунчи гурухлар томонидан амалга оширилиши бутун дунё тинчликсевар ҳалқлари қатори Ўзбекистон ҳалқининг қалбини ҳам қаттиқ ларзага солмоқда. Биз терроризмга қаршимиз. Унинг мудҳиш жиноятларини қаттиқ қоралаймиз. Шуни унутмайликки, муқаддас ислом динимиз тинчлик ва меҳроқибатни ўзида мужассам этган. Уни тоза ва ҳалол сақлаш, тухмат ва бўхтонлардан асраш, ёш авлодга унинг моҳиятини чуқур уқтириш, долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб бормоқда. Айнан дунёда инсонлар ўртасида юқорида назарда тутилган нифокларнинг келиб чиқиши ва уларни экстремистик ва террористик гурухларга айланиб кетишига сабаб ислом динидан тўла хабардор эмаслиги ва бағрикенглик тамойилининг мавжуд эмаслигидан далолатдир. Халқ орасида фитна қўзғатиш, тухмат ва иғво тарқатиш йўлидаги уринишлар тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар ислом динининг моҳиятига мутлақо зид экани Қуръони каримнинг Бақара сураси 191-оятидаги “Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир”, деган кўрсатмада янада ойдинлашади. Огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, тинчликни таъминлаш турли хил кўнгилсизликлар ва хавфу хатарларнинг олдини

олишнинг зарурий шартидир. Зоро, ғофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратади. “Тинчлик – улуғ неъмат”, деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам зарап келтиришдан қайтарилигган.

Бағрикенгликнинг уч даражаси бор:

Биринчиси, бирор кимса билан гаплашаётганингизда унинг хулқи ёки кўринишидаги бирор жиҳат сизга ёқмай қолди. Шунда ҳам сабр билан, унинг “айби”ни юзига солмай тоқат қилдингиз. Бу бағрикенгликнинг қуи даражасидир.

Иккинчиси, сизга кимдир нотўғри ва қўпол муомала қилди. Одоб қоидаларини бузди. Унга нисбатан сабр қилишингиз бағрикенгликнинг ўрга даражасидир.

Учинчиси, сизга бирор жиҳати ёқмай қолган ёки сизга нисбатан нотўғри муомала қилган инсонга кечиримлилик билан муносабатда бўлишингиз ва унинг камчилигини кўтариб, ҳеч нима бўлмагандек энг гўзал муомалада бўлишингиз бағрикенгликнинг олий даражасидир. Сабаби, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиш илоҳий амр бўлиб, унга буюк бобокалонларимиз, олиму алломаларимиз, фозилу арбобларимиз, мутафаккир аждодларимиз асрлар давомида амал қилиб келганлар.

Бутун умрини инсоният маънавий-рухий камолоти йўлига бағишлигар буюк ватандошларимиз Бухорои Шарифда яшаб ўтган Хожагон-нақшбандия тариқатининг Етти пири – Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний –Хожай Жаҳон, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий – Хожа Ориф Моҳитобон, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний–Хожай Азизон, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол [1] асли исми Сайид Амир Калон, Ҳазрати Сайид Муҳаммад Баҳоул-ҳақ вал-миллат вад-дунё уд-дин Нақшбанд ибн Сайид Жалолиддинлар бўлиб, бу улуғ зотлар соҳиби каромат, олими раббоний, Қуръони карим ва пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини халққа етказиб, ислом дини ривожига муҳим ҳисса қўшган валиюллоҳлардир.

Хожагон таълимотининг теран илдизларидан бири Хожа Юсуф Ҳамадонийдир. Унинг “Рутбатул ҳаёт” асарида келтирилишича:

تَفْگِيْجَ دَرَكَ دَاهِيْ مَکَنَىْ إِلَمْ وَ مَدَّاْ مَصْقُرَ دَهْ مَلَالِجَ لَجَ دَنَوَادَخَ مَكَ تَسَانَأَ نَاجَ رَتَدَنَلَبَ وَ وَرَتَ يَلَاعَ رَثَأَ سَانَجَ مَهَ زَا نَارَهَطَمَ وَ نَاكَابَ نَيَا دَوَجَسَ ”يَحَورَ نَمَ هَيْفَ تَخَفَنَ وَ هَتَيَوَسَ اذَافَ“ اَرَ بَرَقَمَ مَكَنَىْ إِلَمْ رَهُوَگَ وَ تَاذَرَدَ رَتَ يَكَزَمَ وَ رَتَرَهَطَمَ وَ رَتَكَابَ نَاشَيَا زَا حَورَ رَگَا. دَرَكَ قَلَعَمَ حَورَ خَفَنَ هَبَ سَاجَرَا وَ زَا دَمَرَسَ دَبَا يَاقَبَ مَقَرَ هَبَ وَ يَدَوَبَنَ مَدَقَمَ نَاشَيَا رَبَ تَيَهَلَ تَرَضَحَ تَبَرَقَ وَ تَنَاكَمَ رَدَ وَ يَدَوَبَنَ يَدَوَبَنَ نَاشَيَا دَوَجَسَمَ يَدَوَبَنَ رَتَرَاوازَسَ نَاشَيَا [2]

Инсон жонининг олий ва улуғлигининг исботи Аллоҳ таълононинг Одам ва фаришталар қиссасида келган “Бас, қачон уни тиклаб, ичига ўзимнинг жонимдан киритганимда сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз, дейилди” (Ҳижр 29-оят.) оятидир. Негаки, барча нажосат ва нопокликлардан покиза ва тоза бўлган бу фаришталарнинг сажда қилишларига сабаб Аллоҳ пуфлаб киритган жоннинг улардан ҳам покиза, тоза ва тиник эканлигидир. Ҳазрати Илоҳийга қурбат ва маконатда ундан муқаддами бўлмайди. Шунингдек, абадий боқий сармадиятга унданда сазовори бўлмайди.

Хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний бўлиб, у Бухоро яқинидаги Гиждувон туманида таваллуд топган. Туркистон диёрининг ва бутун мусулмон шарқи халқларининг ифтихори бўлмиш буюк бобокалонимиз Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний бошланғич таълимни ўз замонасининг машҳур билимдони, тавсиф

илмининг султони Имом Садриддиндан мукаммал ўрганади. Ўқиши давом эттириб, йигирма икки ёшида Бухорода машхур шайх Юсуф Хамадоний билан учрашади ва унга шогирд тушади. Абдулхолик Ғиждувоний Юсуф Хамадонийнинг Ахмад Яссавий сингари энг ўткир шогирдлари қаторидан ўрин олади. Устозининг таълимотини ҳар томонлама ривожлантириб, амалиётга зикри хуфияни олиб киради. Устози унга хуфия усули билан зикр айтишга ижозат берган. Абдулхолик Ғиждувоний тариқатларнинг энг машҳури ва мўътабарларидан бўлган тариқатга – Хожагон-нақшбандияга асос солган. Мусулмон оламида “Шайхлар шайхи” деган улуг унвонга сазовор бўлган “Рисолаи соҳибия”, “Мақомати Хожа Юсуф Хамадоний”, “Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Ғиждувоний” номли буюк асарлар унинг қаламига мансубдир.

Абдулхолик Ғиждувоний замондоши – шайх Аҳмад Яссавий йўлинни давом эттириб, унинг таълимотини ижодий бойитди. Фикримиз исботи сифатида фарзанди учун маҳсус ёзилган “Васиятнома”даги фалсафий ғояларини келтириш мумкин. Абдулхолик Ғиждувоний, жумладан, шогирдига қарата шундай дейди: “Эй, фарзандим, сенга васият қилурманки, Парвардигори оламга қаттиқ шайдо бўлгил, аниг йўл-йўриқларига итоат қилгил, бутун оламлар подшоҳи Тангри таолонинг расули Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига амал қилгил, буюрган фарзларини адо этгил, ота-онанг ва тариқату шариатнинг барча шайхларига нисбатан ўз бурчингни пок бажаргилки, Оллоҳ сендан рози бўлсин. Оллоҳдан қўрққил. Қиёмат қойим рўй берадиган кун фақат анга аёндир ва ул сендин ҳисоб сўрайдир. Оллоҳ ғазабига учрамаслигинг учун гуноҳга ботмагил. Қуръон ўқиши кечаю кундуз канда қилмагил. Илм ўрганмасдан туриб, ишга Дин йўл-йўриқларини (пухта) билишинг, унга риоя қилишинг учун мудом фикр ва ҳадис ўргангил. Суннат ва тариқи жамоага мулоғим бўлгил. Сени бу йўлдин оғдирадигон зотга ҳозир бўлмагил, ҳеч бир одамга кафил бўлмагил, ҳеч киши вас-ваёсиға дохил бўлмагил, ҳаргиз шуҳратталаблик қилмагил, ул оғат келтиргусидир. Мансаб бирла бўлгил. Одамларнинг мақтовига учмагил ва аларнинг муҳокамасидан хафа бўлмагил, шундай ҳаракат қилгилки, кўз ўнгингда бирон қийматга эга бўлсин. Уламоларни хурмат қилгил, шайхларга жонингни жабборга бериб хизмат қилгил, алардин мулкингни аямагил, аларнинг ғазабини келтирмагил, доимо эҳтиёт бўлгил. Тариқат йўлига кириб, уламолар изидан боргил қўйидаги беш хусусиятга дарвешликни бойлик деб билмаган, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмаган, илмни нодонлик ҳисоблаган, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдиган, охиратни унутган одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмагил”.

Абдулхолик Ғиждувонийнинг шогирдига қарата ҳаргиз шуҳрат талаб бўлма, кам гапир, кам е, оз ухла, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, ҳаромдан парҳез қил, ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан боқ. Мехрибон бўл, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни таҳқир этма, бирордан асло бирор нарса таъма қилма, деган ўйтлари ҳозирги замон ёшлари учун ҳам асосий йўл-йўриқдир. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний “Васиятнома”сининг бутун мазмун-моҳияти, маънавий-маърифий, одоб-ахлоқ, таълимтарбия масалаларига қаратилган. Ғиждувоний жамиятга сидқидилдан хизмат этишни муқаддас вазифа – Оллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли деб билади. Шу йўлда у одамларни хонақоҳда ҳадеб ўлтиравермасдан, Оллоҳга тоат-ибодатни ҳаддан ташқари ошириб юбора бермасдан меҳнат қилиш ва ҳалол яшашга даъват этади.

Абдулхолик Ғиждувоний Хожагон тариқатининг устози Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган қуидаги 4 та рашҳа қоидасини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган:

Биринчи рашҳа (қатра): Ҳуш дар дам. Унинг маъноси “зикр асносида ичдан чиқаётган ҳар бир нафас ҳушёрлик ва огоҳлик ила чиқмоғи лозим”, дейишидан иборат.

Иккинчи рашҳа: Назар бар қадам. Унда уқтурилишича, “солик (тариқат аъзоси) ҳар қандай жойда юрганда ҳар бир қадамига диққат ила разм солиб, огоҳ бўлиб юрмоғи лозим”.

Учинчи рашҳа: Сафар дар ватан. У шундан иборатки, “солик башарий табиатда сафар қилсин, яъни башарий сифатлардан малакий сифатларга ва номаъкул сифатлардан маъкул сифатларга ўтсин”.

Тўртинчи рашҳа: Хилват дар анжуман. Бу қоиданинг маъноси “зоҳирда халқ, билан, ботинда ҳақ, билан бўлиш”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дехқонов Б.Б. Хожагон-Нақшбандия таълимотида бағрикенглик тушунчасининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори дис. – Бухоро, 2022 .
2. Исмоилов С.Т. Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни: фалсафа фан.ном...дисс. – Тошкент, 2008. – 165 б.
3. Навruzova Г. Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: фалсафа фан. докт. ... автореф. – Тошкент, 2002.
4. Назаров Б.Н. Ислом агиографияси тизимида Нақшбанд макомотлари макомотнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари (Бахоуддин асосида): филолог. фан. док ... дисс. – Тошкент, 2000.



N.O.ORIPOVA. Qasoskor ayol obrazı (Nazar Eshonqulning “Shamolni tutib bo‘lmaydi” hikoyasi tahlili misolida)	140
E.N.O‘RALOV. Yozishmalarni lingvistik va fonoskopik ekspertiza qilishning nazariy asoslari.....	146
С.УЛЛИЕВА. “Нур борки, соя бор” романида фонетик воситаларнинг образ яратишидаги аҳамияти.....	151
К.А.АБДИКАРИМОВ. Определение понятия медиаграмотности на современном этапе развития медиа	157
A.A.ALMARDONOVA. Didaktik asarlarda shaxs tarbiyasi va nafs masalasi	163

Tarix

У.О.НАРЗУЛЛАЕВ. Сармишсой меросини ўрганишнинг баъзи масалалари	169
Ф.И.ШИРИНОВА. Навоий вилояти мактабгача таълим тизимидағи муаммоларнинг тарихий таҳлили (мөъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида)	175
Ш.М.АТАВУЛЛАЕВА. Янги Ўзбекистон Конституцияси янгиланишининг тарихий зарурияти	181
Н.Ч.МАХМАТКУЛОВА. 1960-1990 йилларда ирригация-мелиорация тизими ва унинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари (Сурхондарё вилояти мисолида)	186
М.Б.ЖАЛИЛОВ. Қизилқумда тоғ-кон саноатига асос солиниши тарихи.....	195

Falsafa

З.Ш.ЯЗДОНОВ. Қаландарийлик тариқати амалиёти ва диний-фалсафий ғояларининг ирфоний моҳияти.....	201
А.Ш.РАЖАБОВ. XVII асрда Ҳиндистонда Нақшбандия тариқати ғояларининг ёйилиши ва уни ўрганишнинг назарий манбалари.....	208
Б.Б.ДЕҲҚОНОВ. Бағрикенглик тушунчаси, унинг генезиси ва Етти пир таълимотидаги ўзига хос томонлари.....	213
И.А.АСАТУЛЛОЕВ. Шарқ ва ғарб фалсафсида инсон маънавий-руҳий оламининг аналитик таҳлили	219
Д.К.САЙФИЛЛАЕВА. Проблемы социальных отношений в трудах Абу Хамида Газали	224

Teknika

М.Х.ХУДАЙБЕРДИЕВ, Х.С.ХУСАИНОВА, Б.М.ТОЖИБОЕВ. Разработка схемы конструктивного алгоритма распознавания объектов на изображениях	229
М.Қ.НУРМАМАТОВ. Мехнат бозорида аҳоли бандлигини моделлаштиришнинг интеллектуал алгоритмлари	236
H.I.ESHANKULOV. Tarmoqlarda “business intelligence” (BI) dasturiy ta’minotlarining qo’llanilish strategiyalari	245
Sh.S.TURSUNOV. Maishiy chiqindilarni qayta ishlash jarayonini nazariy o’rganish.....	256
Ш.П.ШАРИПОВ. Комбинациялашган машина текислагичининг тупроқ сургичлари параметрлари иш кўрсаткичларига таъсири	261